



СССР ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

3 июнь 1971 йил, пайшанба

№ 125 (14.995).

Баҳоси 2 тийин.

ЮКСАК МАРРАЛАР

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Наманган область меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини зўр мамнун билан кутиб олдилар. Москваликлар ташаббусига биноан, беш йиллик биринчи йили планнинг муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақага қўшилган область меҳнаткашлари ўз зиммаларига қўйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

Саноат маҳсулотининг реализация қилиш йиллик плани 24 декабрь кунин бажарилади, қўшимча равишда 11 миллион сўмлик маҳсулот сотилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтиришга, асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Пландан ташқари 80 та электр калорифер, 2750 тонна пахта толаси, 300 тонна лент, 852 метр метр шойи ва тўқимасиз материаллар, 55 минг жуфт понафаза ва қалиш, 400 тонна тозаланган ёғ, 200 тонна қаймоғи олинмаган сўт маҳсулоти, 450 минг шартли банка консерва ва бир қанча бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулотларнинг 63 хилдан кўпроқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 17 та поток линия ва конвейер, салкам 400 та серурум асбоб-ускуна ишлаб чиқаришга жорий қилинади. 3 миллион 680 минг киловатт-соат электр

энергия, 2130 тонна шартли ёқилғи, 160 тонна рангли ва қора металллар, 800 тонна цемент, 200 тонна металл, 750 куб метр ёғоч-тахта, 350 мингта пишиқ гишт, 340 тонна ёнгилга-мойлаш материаллари ҳамда бошқа хом ашё ва материаллар тежаб қўлинади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси ва комплекс механизациялаш, суғориландириш деҳқончиликни ривожлантириш асосида 405 минг тонна пахта етиштирилиб, давлатга сотилади. 26 минг тонна доғ, 40 минг тонна сабзавот, 5 минг тонна картошка, 12 минг тонна полдиз маҳсулоти, 12,5 минг тонна мева, 11 минг тонна узум етиштирилади.

Чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш, қолхозларда ва давлат хўжаликларидида намида 12 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 28 минг тонна сўт, 432 тонна жуғ, 11,5 миллион дона тухум етиштирилади. Ҳар бир соғин сизгирдан соғиб олинадиган сўт бутлуридан 400 килограммга кўпайтирилади, қорамолнинг ўртача вазни 350 килограммга, чўчқаларнинг вазни 110, қўйларнинг вазни 40 килограммга, 2032 тонна пилла етиштирилиб, давлатга сотилади.

5 минг гектар янги ва партов

ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотида киритилади. 12,5 минг гектар ернинг меҳнорация ҳолати яхшиланади ва илгарида ҳайдаб келинаётган 5 минг гектар ер яхшилаб текисланади.

Капитал қурилиш плани 23 декабрда бажарилади, уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар қурилиш плани 25 декабрда бажарилади. 1971 йил биринчи декабрда қадар шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг охорлаш фабрикаси, Полдаги картон-рубероид заводи, бир қанча сизгирхоналар, минерал ўғит омборлари ҳамда саноат, қишлоқ хўжалигининг бошқа объектлари ҳамда маданий-маиший муассасалар ишга туширилади.


Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида юк ва пассажир ташини йиллик планининг 25 декабрда, муддатидан олдин бажарилиши таъминланади. Алдога қорхоналаридида даромад олиш ва товар обороти плани 28 декабрда бажарилади.

Область аҳолисида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш анча яхшиланади. Маиший хизмат кўрсатиш плани 18 декабрда бажарилади.

Социалистик мажбуриятлар саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қорхоналари ҳамда ташкилотлари, қолхоз ва совхозлар, маиший хизмат ва савдо муассасалари коллективларида муҳомама этилиб, қабул қилинган.

Тошкент области, Янгийўл районидида «Ленинизм» қолхозининг А. Абдуллаев бошлиқ бригада пахтакорлари туққизининг беш йилликнинг биринчи йилида мўл «оқ оltин» ҳосили учун курашмоқдалар. Бригада пайкалларидида гўзаларга иккинчи комплекс ишлов берилмоқда. Сурада: (юқорида) бригада сўвчисини Я. Қўчқоров, у сўғорил нормасини бир ярм икки ҳисса бажармоқда. Пастдаги суратда эса бригада дала-ларида ҳашаротларга қарши химикатлар сепилмоқда.

Қ. Розинев фотолари. (ЎзТАГ).



МАКАРИОС
МОСКВАГА КЕЛДИ

Кипр республикасининг президенти архиепископ Макариос СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати-нинг тақлифига биноан 2 июнда расмий визит билан Москвага келди.

Кипр ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортида ҳурматли меҳмонини

Шу ўтган йиллар мобайнида партиямиз, унинг Марказий Комитети партия ички демократиясини янада ривожлантириш, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш йўлини оғишмай ўтказиб келдилар. Партияда раҳбар органларнинг сайланиши ва уларнинг ҳисобот бериб тури-

шидан иборат принцип изчиллик билан амалга оширилмоқда, коллектив раҳбарлик, коллектив бўлиб ишлаш руҳи қарор топди. Партия фаолиятига оид масалалар кенг демократик асосда муҳокама қилинмоқда ва ҳал этилмоқда.

(КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежневнинг Совет Иттифоқи коммунист

ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ НОРМАЛАРИ

КПСС XXIV съезди
қарорларини
амалга оширамиз

Партия турмуши: бошланғич ташкилотлардан хат

ЖАНГОВАР ГРУППАЛАР

КПСС XXIV съезидан сўнг бўлиб ўтган партия йилгилишида съезд яқунлари ва янги беш йиллик даврада қорхона коллективлари олдига турган вазифалар кенг муҳокама қилинди. Беш йилликнинг биринчи йилида заводда Т-28Х4 тракторлари орқа ўқларини ишлаб чиқаришни кескин қўпайтирган ҳолда 21 минг дана ана шундай ўқлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалик машиналари учун 5800 минг сўмлик запас қисмлар ва редукторлар етказиб бериш, маҳсулотни реализация қилиш лавозими 28 декабр гача бажариб, пиландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти олинган эди.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун нималар қилмоқ лозим? Партия ташкилотлари олдига турган вазифалар нималардан иборат? Шу йўлда келиб чиқадиган муаммолар қандай ҳал этилади? Партия йилгилишида сузлаган ҳар бир коммунист ана шу ҳақда алоҳида тўхталиб, фикр юритди, ўз мулоҳазасини айтди.

КПСС XXIV съезида қандай участкада, қандай касб ва лавозимда ишладан қатъий назар ҳар бир коммунистнинг партиявий ва меҳнат интизомини, ишга бўлган масъулиятини ошириш энг муҳим вазифалардан бири деб қайд этилган эди. Қадрларга нисбатан талабчанлик, ишони ва ғамхўрлик, улар қилётган ишга ҳурмат ва эътибор нуктадан назардан қараш ўз навбатида меҳнат интизомини мустаҳкамлайди, уларни янги муваффақиятларга руҳлантиради. Заводимиз партия комитети ана шунга эришмоқ учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Бизнинг партия комитетининг коммунистлар соҳи жихатидан Тошкент шаҳридаги йирик ташкилотлардан биридир. Қорхонамизда ишлайдиган ҳар тўққиз кишидан бир коммунистдир. Салкам 2400 киши меҳнат қилётган заводимиз мамлакат қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Қорхона янги техника билан жиҳозланмоқда. Шу йилнинг ўзига тракторларнинг орқа ўқларини ишлаб чиқарадиган механика-йиғув цехи ишга туширилди, завод цехларига 25 единицалик маҳсул ва агрегат станоклари ўрнатилди. Кишилар Меҳнат унвондорлигини пайсиритмадан ҳолда янги техникани ўлаштириб беришди.

Партия комитети партия гуруҳларининг кучи, имконияти ва қобилиятини юксак баҳоламоқда, уларнинг роли ва обрўсини тинмай оширишга ҳаракат қилмоқда, ҳар бир ишда уларга суяқмоқда. Эндиликда партия сафига қабул, коммунистларнинг шахсий ишлари муҳокамаси ва шу каби бошқа жуда кўп масалалар аввал партия гуруҳларидан, сўнг цех партия ташкилотлари бюросидан қўриб чиқилимоқда.

Қорхонамизда ўн етти партия гуруҳлари бор. Уларга боғлиқ, актив коммунистлар етакчилиги қилмоқдалар. Партия гуруҳлари ташкилотлари турмушида ҳам ишлаб чиқаришда ҳам ўз атрофиди кишиларга намуна қўрсатаётганлар. Масалан, Виктор Давидовнинг олийлиги. Унинг ўзи тажрибали фрезерчи. Софидил, ғамхўр, маънавий пок киши, Партия гуруҳидаги бачка коммунистлар унинг бу ҳислатини яхши биладилар, уни сидқидилдан ҳурмат қиладилар.

Яқинда Виктор Давидов ишлайган участка оқсаб қолди. Қундалик план топшириқларнинг бажарилаётгани ҳаммани ташвишга солди. Қоқоқлик сабаби аниқланди. Фрезерчи Равиль Рафиковнинг мунтазам прогн қилётгани ва ҳатто баъзан ишга маст ҳолда келаётгани ана шунга сабаб бўлаётган эди. Кекса ва тажрибали фрезерчилар Р. Рафиковга жуда кўп марта бу ҳақда гапиришди, насихат қилишди. Фойдаси бўлмади. Равиль уларга қўлоқ солмади, қўл силтаб қўярди. Унинг бу қилиги давом этаверган, Давидов ҳамкасби билан жиддий гаплашмоқчи бўлди.

Виктор Давидов ўзаро суҳбатнинг яхши натижа бермаслигини сездди. Коммунистлар билан сузлашиб, баъзилар Равиль Рафиковнинг ишчи партия гуруҳида йиғилишида муҳокама этишга қарор қилди. Ҳозир Р. Рафиков ана механика цехининг илгор фрезерчилардан бири. Унинг портрети завод «Хурмат тахтасида» яна ўз ўрнини эгаллади.

Яна бир мисол. Еш ишчи Валентина Семина ҳунар-техника билим юртини тугаллаб, 10-цехга ишга келди. Аммо у ҳадеганда ишга элпаб кета олмади. Бир участкадан бошқасига кўчди. Бир неча ой мобайнида на кўнмини ва на унуми бўлди. Партия гуруҳи ташкилотчиси Собит Алиев Валентинани зимдан кузатиб юрарди, унинг кечинмаларини яхши тушунарди. У Валентинанинг ёнига келиб суҳбатлашди, орзуси, истаги, мақсади ҳақида сўраб суриштирди. Сўнг цех бошлиғи Геннадий Филев билан баъзилар таъини жуда кўп ишчиларни тарбиялаб юзга етказган тажрибали мастер Алексей Шигаёвга шоғирликка топширди. Ҳозир устоз ва шоғир бир-бири билан мусобақалашиб ишламоқда.

Заводимизда Виктор Давидов ва Собит Алиевлар каби ғамхўр, коллектив иш учун жон куйидаётган партия гуруҳлари ташкилотчилари жуда кўп. Инженер Лидия Арко, тоқарлардан Борис Кабанов, Тоҳир Алимов, слесарь Николай Телешкин етакчилик қилётган партия гуруҳлари цех партия ташкилотлари ва қорхона партия комитетининг ҳақиқий кўмакдоши ва таъини бўлмоқда. Улар КПСС XXIV съезди қарорлари асосида завод коллектив олдига турган муҳим вазифалар тўққизинчи беш йиллик лавозимини шараф билан бажармоқ учун кишиларни сафарбар этаётганлар. Заводимизда янгиликлар ва ватанпарварлик таълибларининг пайдо бўлишида ҳам партия гуруҳларининг роли катта бўлмоқда. Ишчилар ўртасида бошланган ҳар қандай ташаббус шу ерда муҳокама қилинади, қўллаб-қувватланади, кучга кириб парвоз этади.

Май ойининг дастлабки кунларидан 5-механика цехининг тоқари Валерий Клокотов Бутунитишфоркомсомол йиғилишида сўзга чиқиб йиллик лавозим 11 ойда бажариш юзасидан шахсий мажбурият олди. Партия гуруҳи унинг бу ташаббусини коммунистлар даврасида муҳокама қилди ва уни завод ишчилари орасида кенг ёйиш учун қорхона коммунистларнинг умумий йиғилишига тавсия қилди. Йилгили В. Клокотовнинг ташаббусини маълумлади, уни кенг ёйиш учун тадбирлар белгилади.

Ҳозир қорхонада В. Клокотовнинг ташаббусига қўшилган янги йиллик лавозим 11 ойда бажариш юзасидан шахсий мажбурият олиб ишлайдиган кишилар жуда кўп. Тоқарлардан Юрий Сапунов, Носир Соликов, Рўзмет Изагуллаев, соловчи Салимов, Дониров ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш илгорлари ана шулар жумласидандир.

Партия гуруҳлари партиянинг ишчан аъёкаси, унинг энг муҳим завоисидир. Партия гуруҳларининг иш фаолиятини яхшилаш завод партия комитетининг қундалик муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Биз партия гуруҳларининг ролини янада оширавемиз.

В. ФРОШГЕЙЗЕР,
Ўзбекистон трактор-йиғув заводи партия комитетининг секретари.

ЕТУКЛИК БЕЛГИСИ

Коммунист партия танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ролини ҳаммани юксак баҳолайди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев партия Марказий Комитетининг КПСС XXIV съезида ҳисоботи юзасидан қилган докладыда шундай деб таъкидлади:

«Партия ташкилотлари фаолиятида камчиликларни тўғатиш, ишларни яхшилашнинг сиқалган методи бўлган танқид ва ўз-ўзини танқид янада ривожланади. Партия комитетларининг қўнчилиги коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва тақлифларини яхшироқ ҳисобга ола билишлари, уларнинг амалга оширилишига устидан контролни кучайтиришлари».

ПРИНЦИПАЛ ТАНҚИД ВА ўз-ўзини танқиднинг КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ — ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СИЁСИЯ ЕТУКЛИГИНИНГ, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ ЎЗ БУРЧИННИ Тўғри тушунишни БЕЛГИСИДир».

Район партия комитети КПСС XXIV съезди, партия Марказий Комитетининг декабрь (1969) Пленуми қарорлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, раҳбар ходимларнинг топширилган иш учун шахсий масъулиятини ошириш, коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш, меҳнатқилларни коммунист руҳда тарбиялаш масалаларига

катта аҳамият бермоқда. Район партия комитети пленумларида, бюро йиғилишларида партиявий-ташқилий, сиёсий-тарбиявий масалалар кенг муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиламоқда. Партия ташкилотлари коммунистларнинг тақлифлари ва танқидий мулоҳазаларига жиддий эътибор бермоқдалар.

Турмуш надрларга нисбатан талабни муттасил оширмоқда. Коммунист қурилишга моҳирона раҳбарлик қилиш учун юксак сиёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни ўзида муассамалантирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилиқор билан ҳал этишга қобилиятли, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кадрлар керак.

Район партия комитети кадрларни ташлаш ва жой-жойга қўйишда уларнинг сиёсий тайёргарлигига ва ташкилотчилик қобилиятига қараб иш тутмоқда. Район партия комитети

номенклатурасидаги 240 ходимдан 136 киши олий, 7 киши тўлиқсиз олий маълумотли, 107 киши махсус ўрта маълумотли мутахассислардир. Партия ташкилот секретариатидан 55 киши олий, 8 киши тўлиқсиз олий маълумотли эгадир.

Жанубий Сурхон сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси партия комитетида кадрларни тайнлаш, тарбиялаш ва жой-жойга қўйиш, коммунистларнинг активлигини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқид яхши йўлга қўйилган. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Партия комитети ҳар бир коммунистга берилган партиявий топшириқнинг ижросини назорат қилади. Партия йиғилиши учун масала тайёрланадиган олий коммунистлар актив қатнашди, партия аъзоларининг тақлифлари ва танқидий мулоҳазалари ўргатилади. Партия йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ўтказилади, партиявий



Идеология ва ҳаёт

ХАЛҚ ОММАВИЙ—СИЁСИЙ МАКТАБЛАРИ

Шофиркон район партия комитети КПСС XXIV съезди материалларини меҳнатқиллар ўртасида кенгроқ пропаганда қилиш мақсадида барча пахтачилик бригадалари, қорачилик фермалари, мактаб ва бошқа муассасаларда халқ оммавий-сиёсий мактабларини ташкил қилди. Ҳозирги кунда райондаги 10 дан ортиқ колхоз, совхоз, 60 дан зиёд мактаб ҳамда қорачилик фермаларида ана шундай халқ оммавий-сиёсий мактабларида 3000 га яқин киши жалб этилган.

Бу халқ оммавий-сиёсий мактабларида энг яхши пропагандачилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар ва ахборотчилар КПСС XXIV съезди ҳужжатларини кенг тушунириб беришди.

А. РАҲМОНОВ,

«Совет Ўзбекистони» газетасининг штатсиз мухбири.

РАИС—АГИТАТОР

Избосан райониди «Партия XX съезди» қўнчилиги раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамат Тиллабоев партиямиз XXIV съезида делегат қилинган эди. У съезддан қайтган, олган таассуротларини колхозчиларнинг умумий йиғилишида сузлаб берди.

Ҳозирги вақтда А. Тиллабоев бригадалар дала ишчиларида сиёсий жангчи, агитатор сифатида иш юрмоқда. Анжуман қарорларини амалга ошириш, дала ишчиларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, бу йилги социалистик мажбуриятларини ошғини билан бажариш тўғрисида маълумоти лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда.

Моҳир ташкилотчи, жонқур Абдусамат Тиллабоевнинг 126-Пўтун сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилди.

М. ИНОҚОВ,

«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ПРОПАГАНДИСТЛАР

Бундан уч йил муқаддам «Таштентсильмаш» заводида Тошкент шаҳар партия комитети қўнчилиги кечки марксизм-ленинизм университетининг филиали иш бошлаган эди. Бу ерда завод ишчи хизматчилари ва мутахассисларидан 14 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда марксизм-ленинча билим асосларини эгалладилар.

Яқинда университет тингловчилари тарихий материализм ҳамда илмий коммунизм асосларидан давлат имтиҳонлари топширишди. Имтиҳонда завод комсомол комитетининг секретари Д. Исмаилов, металлчи қайта ишлаш цехининг слесари М. Шукров, ремонт-механика цехининг слесари-монтажчиси А. Носиров, тажрибали ишчи-коммунист В. Сулов, А. Кан сингари кишилар давлат имтиҳонларини аъло баҳолабга топширишди.

Университет тингловчилари ҳаётга йўлланма олиб, қорхоналарда пропагандист, сиёсий ахборотчи ва лектор бўлиб иш бошладилар.

Х. ОЧИЛОВ.

ташқилий, агитация-пропаганда ишларидаги камчилигини бартараф этиш тадбирлари белгилашди. Шунинг учун бошқарма коллективни саккизинчи беш йиллик лавозим мундидан 4 ой олдин бажаришга, қўллаб-қувватлаш билан бажаришга қарор қилди.

Шунингдек, Шўрчи пахта тозалаш заводи директори Иброҳим Ураев, «Комсомол 30 йил»нинг совхоз директори Шайдар Баротов ишлаб чиқаришга моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда.

Бундан бир неча йил илгари

РАЙКОМ ИНСТРУКТОРИ

Бугунги иш кунни тугади. Уйга келиб бир пиёла иссиқ чой ичиб, ўрнига қўнчилиги, «иш кунини» энди унинг ҳаёлида бошлади. «Ҳаётнинг бир кунини қандай қилиб қизитиб?» «Эса қолдиган бирон из қолдими?», «Бошқаларга нима бердим?»

У райкомда инструктор бўлиб ишлайди. Бир қарашда бу касб оддийгина бўлиб туюлади-ю, лекин райкомни бошланғич ташкилотлар билан, бошқача қилиб айтганда, барча оддий коммунистлар билан боғлаб турувчи инструктордир.

Ҳаётда баъзи кишилар ўз раҳбарлигини ўз вақтида топширган вазифасини вақтида, «сиқлиққина» қилиб бажаради. Лекин ўз фикри, мулоҳазаси билан, қалби буюрган бирор масалани кўтариб чиқмайди. Бундай кишилар ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам маънавий дунёсини бойита олмайдилар.

Янгибой Эргашев топширилган вазифасини ўз вақтида бажариш билан бирга ўзи иш топиб қилаверадиган, яхши ишдан қувонадиган, ёмон ишдан нафратланадиганлардан. У 1967 йилдан бери район партия комитети партиявий-ташқилий ишлар бўлимининг инструктори бўлиб ишлайди.

Райком бюроси «Социализм», «Ленинбод», «Октябрь», Ойқўрғон қишлоқ Советидаги К. Маркс номи колхоз партия комитетлари ҳамда Олқор қишлоқ Совети, бўрдоқчилик базаси, Бувайда матлубот жамияти, 41, 38, 36, 35-мактаблар бошланғич партия ташкилотларига уни бирктириб қўйган. Бундан ташқари, у бўлимда информатор-инструкторлик вазифасини ҳамда коммунистларнинг шахсий делозларини тайёрлаш вазифасини ҳам бажарилади.

Янгибой ўзи бирктирилган партия ташкилотларида бўлганда партиявий-ташқилий ишларни ўргатиш билан бирга оммавий-сиёсий ва ҳўналик ишларини ҳам назардан қўнчилири. У ўтган йил эрта баҳор К. Маркс номи колхозда бўлганда, ипак қўрти боқишга тайёргарликда бермаган кайфияти ҳўм сураётганлигини сезиб қолди. У дарҳол бунинг олдини олди. Райкомнинг апрель ойидаги бюросига «Колхоз партия комитетининг ипак қўрти боқишга раҳбарлиги ҳақида» масала кўрилди. Бюро бу масалани муҳокама қилиб, қарор қабул қилди. Қарорнинг қандай бажарилаётганлигини Янгибой мунтазам назорат қилиб борди. Натияжа яхши бўлди. Колхоз пиллажларин 760 қўрти қўрти уруғининг ҳар қутисидан пландаги 50,9 килограмм ўрнига 53,7 килограммдан «қумуш тола» етиштириб, лавозим ошириб бажарди. Колхоз пиллажидан 177 минг 416 сўм даромад қилди.

Я. Эргашев бошланғич партия ташкилотлари ишларида бирон камчилигини топса, дарҳол уни райкомга олиб келавармайдилар. Камчилигини ўша жойда бартараф қилишга қарар қилди. Агар қўнчилиликка учраса, ўша ерда хизмат қилётган

ган танқиддан эҳтиёткорлик билан, тўғри фойдаланиш керак. Сўнгги йилларда район партия комитети фақат бир неча ходимга нисбатан қаттиқ чора қўрди. Биз ҳаммани илгиринг бу даражага етмаслиги учун, камчиликларни вақтида олдини олиш, уни ўз вақтида бартараф этиш учун ҳаракат қилмаш.

Масалан, 25-механизациялашган қўма колонна бошлиғи Юрғулов Ҳасанов коллективга раҳбарлик қилишни уқдай олмади. Қурилиш суръати суст, сифати паст бўлиб қолди. Қўручилар ўртасида меҳнат интизомини бушатириб юборилди. Шунинг учун у вазифасидан озод этилди. Пахта тайёрлаш трестига қарашли механизациялашган қўма колонна бошлиғи Н. Амиров ишчилар коллективдан ажраллиб қолганлиги, раҳбарлигини таъминлай олмагани учун лавозимидан четлатилди.

Баъзи колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг фаолияти шу куннинг юксак талаблари даражасида эмас. «Октябрь 30 йилги» колхоз партия ташкилотиди оммавий агитация, партиявий-ташқилий ишлар, коммунистларнинг ташаббускорлигини ва масъулиятини ошириш талабга жавоб бермайдилар. Шу сабабдан колхоз 1970 йилда пахта тайёрлаш лавозимига зўра бажарди. Энгелс номи колхоз партия ташкилотини коммунистлар ва меҳнатқиллар ўртасида сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларида етарли аҳами

ят бермаганлиги оқибатида бу хўжаликда сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги анча камайиб кетди, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш ҳам қўнчилидайдэй эмас.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида район коммунистлари ва барча меҳнатқиллари она-Ватан хазинасига 80 минг тонна пахта, 1930 тонна гўшт, 3045 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил курашмоқдалар. Районда гўза парварниш уюшқонлиги билан олиб бориламоқда. Қўйчилик фермаларида қўзларнинг масъулиятини яхши яқунлади. Район бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 122 бош қўз олинди. Район колхоз ва совхозлари гўшт, сут, туҳум тайёрлаш бўйича ярам йиллик лавозимни бажариш арасида турибди.

Район партия комитети, коммунистлар ва барча меҳнатқиллар КПСС XXIV съезди қарорларига жавобан саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, тўққизинчи беш йиллик лавозим мундидан олдин бажариш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этишга муносиб ҳисса қўиш учун ўзларининг бутун куч-гайратларини сафарбар этадилар.

Э. РУСТАМОВ,
Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари.

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ БИРЛИГИ

(Боши биринчи бетда).

Нигилист ахли қизғин кутиб олган В. В. Шербицкий сўзга чиқиб, Украина ССР Олий Совети депутатлигига ўзини яна номзод қилиб кўрсатган сайловчиларга чин кўнгилдан ташаккур билдирди.

Биз ҳаммамиз шунинг яхши тушуниб турибмизки, деди ноти, коммунистлар билан партиясизлар блокнинг номзодлари сайловчилар кўрсатган жўяк ишончда бутун халқнинг коммунист партиясизга бўлган ҳурмати, партиянинг боши йўлини, ички ва

ташқи сиёсатини тўла-тўқис маъқуллаётганлиги ифодаланмоқда. Совет халқи коммунист партияга беҳад ишонади, чунки тарихий бунёдкорликларимизнинг ҳаммаси партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан боғланган. Партия билан халқ манфаатлари ва тақдирини бир-биридан асло ажратиб бўлмайд.

Ҳозирги вақтда бизнинг ҳамма ишларимиз ва режаларимиз, деб давом этди В. В. Шербицкий, Совет Иттифоқи Коммунист партияси XXIV съездининг тарих

ий қарорлари билан, шу қарорларни бажариш учун кўрилатган амалий чоралар билан боғланган. Бу қарорлар ҳамма меҳнаткашларнинг, барча республикаларнинг, кўп миллатли Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг тўб манфаатларига жавоб беради. бу қарорлар халқнинг бунёдкорлик гайрати учун янги манба бўлиб қолди.

Депутатликка номзод ўтган беш йиллик вазибаларини бажаришда эришилган муваффақиятларини ҳикоя қилиб ўқитиб айтди, ўтган сайловда партиянинг

тақдир этган сайлов программаси муваффақият билан бажарилди. Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир республика, область, район, шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир коллектив совет давлатининг иқтисодий қудратини мустахкамлашга ўзининг алоҳида ва зарур ҳиссасини қўймоқда. Шонли революцион ва меҳнат традициялари шаҳри бўлган Днепродзержинск ҳам тўла равишда шундай қилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат Днепродзержинскнинг меҳнатдаги шавкатини юксак даражада қадрлаб, шаҳарни беш йиллик топириқларини муваффақият билан бажаришга учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганликларидан ҳаммамиз ҳурсандимиз ва бу билан фахрланамиз, деди ноти.

Иқтисодий ривожланишнинг сўзсиз белгилари берган кенг программа ҳаммамизни қувонтирмоқда ва руҳлантирмоқда. Шунинг учун ҳам бу программани тезроқ амал

га оширгимиз келади. Лекин моддий неъматлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Моддий неъматлар одамларнинг ишлари билан, фаолиятининг, бутун халқ кун сайин қилаётган меҳнатининг натижаси бўлади. Партия XXIV съезди белгиланган программа ҳаммамизда илҳом берди, шунингдек кўпгина маблаг ва моддий ресурсларни талаб қилди.

Эндиликда биз беш йиллик топириқларини бажаришга киришдик ва бу ишни яхши бошлаб юбордик. Кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа асосида сўзсиз одилдан олинган меҳнуринг муваффақият билан бажарилади, саноат ишлаб чиқаришининг беш ойлик вақти муддатидан олдин адо этилди, кўпгина дала ишлари ушорилиқ билан ўтказилмоқда, кўпгина сўратлари тезлаштирилмоқда.

Нотиқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни янада такомиллаштириш вазифаларига

тўхталиб айтдики, надрларнинг юксак даражада ушорилиқ ва ташаббускорлик билан ишлатилиши, малакасини ва профессорлик маҳоратини ўстириш, ҳар бир коллективнинг ва коллектив раҳбарларининг меҳнатсеварлиги ва аўр матонат билан ишлатили беш йиллик пландарини бажаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Социалистик давлатнинг сиёсий негизи бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари зиммасига партия XXIV съезди қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун катта масъулият юклаганди. Бизнинг вазифамиз шунки, маҳаллий Советларнинг, иқтисодий комитетларининг, уларнинг бўлимлари ва комиссияларининг ишини кучайтиришга бутун чоралар билан қўйилган алоқасини кенгайтиришимиз ва мустахкамлашимиз, улар қилаётган ишлар тўғрисида аҳолининг кўпроқ хабардор қилиб туришимиз лозим.

В. В. Шербицкий халқаро ах-

волнинг баъзи масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Депутатликка номзод ўз ичига ишнинг охирида сайловчиларни ишонтириб, уларнинг аўр ишончини оқламоқ учун ҳамма чораларни кўраман, деди.

В. В. Шербицкий шаҳарда бўлган вақтда Днепродзержинск химия комбинатини, Оржоникидзе номидаги Днепродзержинск металлургия заводидаги бирор-қудди, корхоналарнинг ишчилари, мутахассислари ва раҳбарлари билан суҳбатлашди. У савдо, умумий овқатланиш, коммунал хўжалик, шаҳар транспорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қандай аҳволда эканлиги ва бу ишларнинг истиқбол билан танишиб чиқди. Перхиднепровский районига бориб, бир қанча хўжаликларнинг даладарини ҳамда парадничлик фабрикаларини кўрдан кечирди.

АХБОРОТ

БНЗГА
ЭЗДИЛАР

ОКТАБРЬ

МАССИВИДА

Пойтахтимиз Тошкентнинг Октябрь массивида қад қўтарган иморатларнинг сон-саногини йўқ. Бешқайрағочда уч қаватли шифохона, дорихона, болалар богчаси фойдаланишга топширилди. Чогу асбоблари фабрикаси ва туғруқхона биноларининг қурилиши бошлаб юборилди.

Ю. АХРОРОВ.

ҚАХРАМОН

НОМИДАГИ КУЧА

Совет Иттифоқи Қахрамони Сафар Хушназаров номи билан саҳарандликлар фахрлашадилар. Унинг номи абадийлаштириш мақсадида Каттақўрғон шаҳар Советининг қарорига кўра шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири Сафар Хушназаров номи билан аталди.

М. ҚОБУЛОВ.

ҚУШИҚ БАЙРАМИ

Ўтган дам олиш кунини Марҳамат районининг «Пахтакор» стадиони томошабинлар билан лиц тўлди. Узар областдаги колхозчи, студент, саноатчи ва бошқа касбдаги бадий ҳаваскорларнинг қўшиқ ва куйларини тинглашга йиғилишган эди. Куй ва қўшиқ пинавандалари қалбларини қувонтирган ўнлаб талантли ҳаваскор санъаткорлардан мамнун бўлиб қолдилар.

А. АХМЕДОВ.

УНУТИЛМАС КҮН

Кўринг, Ҳавас қилинг, Гражданимиз, Мен улуг Советлар, Мамлакатининг.

Сирдарё районидagi 7-мактабининг 10-синф ўқувчиси Мухаррам Зокирова В. В. Малковскининг ушбу сатрларини паспорт олиб, совет граждани деган улуг номга эга бўлган кунини ўқиб, залдагиларни ҳаяжонлантирди. Сирдарё район милиция бўлини, бундай намунали масрими райондаги мактаб ўқувчилари, колхозлар ва саноат корхоналарида ишлаётган ёшлар орасида ўтказиб, ташналар равшанида паспорт тошмирлариди.

А. БҒРЛИЕВ.

ТАЪЛИМНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Қандай тадбирлар амалга оширилса, мактаб таълимини янада яхшилашга эришилади? Ўзбекистон ССР Маориф министри таълибаси билан ўқув-техника воситаларидан фойдаланиш масаласига бағишлаб Наманган шаҳрида ташкил қилинган республика III семинар-кенгашида гап ана шулар ҳақида борди. Кенгаш-семинарни республика маориф министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. Г. Романов очди. У мактаб таълимини фан ва техниканинг таълибаси замон даражаси билан тенглаштириш, ўқувчиларга берилаётган билимни турмуш билан боғлаб олиб бориш маорифчилар олдида турган катта вазифалардан бўлиб қолганини таъкидлади.

Дарсларда ўқув-техника воситаларидан самарали фойдаланиш беш алоҳида таълим-тарбия бериш йўлини КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ташкил этишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди. Бу соҳада республика мактабларида ибратли тажрибалар тўпланди. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг директори, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси Э. Қодиров, Наманган область халқ маорифи бўлимининг мудирин Н. Тожибаев, Наманган шаҳридаги 43-мактаб директори, филология фанлари кандидати А. Халилбеков, Учкўрғон районидagi 1-мактабининг бошланғич синф ўқитувачиси Т. Ёкубова ўртоқлар ўқув-техника воситаларидан фойдаланиш соҳасида тўпланган тажрибалар тўғрисида мароқ билан гапирдилар. Маорифчиларнинг бу аниқликда республиканинг барча областлари маорифчиларининг баъзилари. Қорақалпоғистон АССРдан келган халқ маорифи органлари раҳбарлари, методистлар, ўқитувчилар қатнашдилар. Улар Наманган областининг шаҳар ва қишлоқларидаги мактабларда бўлиб, секция йиғилишларида иштирок этишди.

Г. МАННОВ, Наманган области.



МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИ

ДУБЛИН. 1 июнь. (ТАСС). Ирландия пойтахтида мамлакатнинг «Умумий бозор»га киришига қарши курашмоқ учун жамоатчиликни сафарбар қилувчи бирлашган комитет тўзилди. Ирландия Компартияси, социалистик партия, Коннолли ёшлар ҳаракати, антимпериалистик кураш позицияларида турган мамлакатдаги энг кенга Шинн Фейн сиёсий ҳаракати, лейбористлар партиясининг бир қанча маҳаллий ташкилотлари вакилларининг бир қанча маҳаллий ташкилотлари вакиллари комитет составига ўтди.

Ирландиянинг шимолида, Бешфаста ҳам шундай комитет тўзилди. Бу ерда Компартия, турли сиёсий ташкилотлар ва Шинн Фейн ташкилоти вакиллари Ир-

ландиянинг «Умумий бозор»га қўшилишига қарши кенг кампания ўтказмоқдалар.

Бундай комитетларнинг тўзилаётгани, деб ёзди Ирландия Компартиясининг органи «Айриш уоркерс бойс» газетаси. Ирландия халқи ҳукуматининг ҳозирги йўлига қарши олиб бораётган курашда янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Тобора янги жамоат ташкилотлари ва сиёсий ташкилотлар «Умумий бозор»га қарши ҳаракатга жалб этилмоқда.

«Айриш уоркерс бойс» газетаси мамлакатнинг «Умумий бозор»га кириши унинг экономикаси ва миллий суверенитетини хавф остида қолдиради, деб таъкидлайди.

УРУШГА ҚАРШИ ФЕСТИВАЛЬ

ЛОНДОН. 1 июнь. ТАСС мухбири Н. Турнатенко хабар беради:

АҚШнинг Англиядаги базаларида жойлашган Америка ҳарбий хизматчиларининг вакиллари бу ерга келишди. Улар АҚШ президенти ва конгресси номига ёзилган норозилик мактубларини Американинг Лондондаги элчихонасига топширдилар. Америка ҳарбий ҳаво кучлари солдат ва офицерлари, шунингдек ҳарбий денгиз флотининг матрос ва офицерларидан 900 дан ортиқ киши имзолаган бу мактубларда АҚШнинг Хинди-Хитойдаги агрессияси тўхта- тилиши деб талаб қилинади.

Кеча Лондоннинг шарқий қисмидаги Виктория паркида Америка ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида урушга қарши фестиваль ўтказилди. Америка ва инглиз артистлари острадада урушга қарши қўшиқларни ижро этидилар. АҚШдаги ва бошқа мамлакатларда вужудга келтирилган базалардаги Америка ҳарбий хизматчиларидан олинган мактублар ўқиб берилди. Бу мактубларни ёзган кишилар АҚШнинг Хинди-Хитойдаги агрессиясини тўхтатишни талаб этаётган ва мустақамлалиб бораётган ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

ИОРДАНИЯ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

АММОН. Иорданиядаги араб хотин-қизлари уюмлари болаларни ҳимой қилиш халқаро кўни муносабати билан. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Танга, жаҳон жамоатчилигига ва барча тинчлик учун курашувчиларга Исроил босиб олган территориялардаги араб болаларининг торттабган жабр-зулмига чек қўйишни даъват қилиб, мурожаат этди.

Мурожаатда таъкидланганича, босиб олинган территориялардаги қочқоқлар учун ташкил этилган лагерларда яшашган араб болалари «қорни тўйиб овқат емаслик»

дан ва насалликдан азоб чекмоқда, оддий инсоний шайроқлардан маҳрум этилган.

Иордания хотин-қизлари минглаб араб болаларининг ота-оналарини босқинчилар қамоларга ташлаганликларини ҳам эслатиб ўтидилар. Йўлда қўп болалик оилалар Исроил экстремистлари уларнинг уйлариини портлатиб юборганликлари учун бош-панасиз қолдилар.

Иорданиядаги араб хотин-қизлари уюмлари Исроил босиб олган араб ерларидаги болаларга зарур ердан беришга даъват этди. (ТАСС).

СИНФИЙ ЖАНГЛАР

◆ А Қ Ш

НЬЮ-ЙОРК. Америкада энг йирик телеграф компанияларидан бири «Уэстерн унион телеграф компания» телеграфчиларидан йигирма минг киши иш ташлади. Янги коллектив шартнома тузиш тўғрисидаги музокаралар олти ҳафта давом этди.

Телеграфчиларнинг забастовкаси Қўшма Штатларда тобора кенг тус олаётган синфий жангларнинг кўринишларидан бири ҳолос. Расмий маълумотларга қараганда, шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида мамлакатда 1020 забастовка бўлган. Бу забастовкаларда 450 мингдан ортиқ киши қатнашган.

◆ Г Ф Р

БОНН. Ғарбий Германиядаги аэропортларнинг хизматчилари махнат шартининг яхшилаш учун, прогрессив методларни қўлаш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Улар «қондаларга қаттиқ амал қилиб ишлаш» кампаниясини ўтказиб бормоқдалар. 40 кундан ортиқ вақт бўлди. Хизмат нисомларининг ҳар бир моддасини миздан-сиздан бажарилиш натижасида Германия Федератив Республикасидаги жуда катта аэропортларда ишлар ўлдарила билиб қолди. Шундай забастовкалар вақтида икки юздан ортиқ рейс бекор қилинди. «Люфганза» авиация компанияси шу вақтгача 20 миллион марка зарар кўрди.

◆ ИРЛАНДИЯ

ДУБЛИН. Силвермайд (Типперэри графлиги) «Могул групп» компаниясига қарашли конларнинг шахтёрлари иш ташлашди. Иш ташловчилар маъмурият томонидан бўшатилган бир қочқининг яна ишга қабул қилинишини талаб этмоқдалар. (ТАСС).



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Шимолий Чехиядаги «Тушимше.2» исмилик элентр станцияси қурилиш умумиреспублика ёшлар қурилиши деб эълон қилинди. Суратда: қурилишга нелаётган ЧТК—ТАСС фотоси.



ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ҚОҲИРА. Президент А. Садатнинг декретида биноан, Бирлашган Араб Республикасида бевосита сайлов ўтказиш йўли билан Араб Социалистик Иттифогини қўйишдан юқоригача қайта тузишни қўзғатувчи 100 кишидан иборат комитет тўзилди.

МЕН агентлигининг хабар қилишича, комитет составига кирувчи 100 кишининг ярмиси ишчилар билан деҳқонларнинг вакиллари. Комитетта Муҳаммад Шалоби Юсуф бошчилик қилади.

◆ УЛАН-БАТОР. Монғолия Халқ Республикаси билан Чили республикасининг ҳукуматлари элчилар даражасида иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар. Деб хабар беради МОНЦАМЭ агентлиги. (ТАСС).

◆ ЯПОНИЯ. Мамлакат пойтахти Токиода бундай бурчакларни қўллаб уратилиш мумкин. Бу ерда камбағаллар истиқомат қилишади.

С. Преображенский фотоси, (ТАСС).

МЕЧКАЙ

МАДРИД. Андалузиялик деҳқон Пруденсио Маркес иштаҳаси юр-найликда машхур қордан ҳам ўзиб кетиб, ўзига хос рекорд қўйди. У ҳамкишлоқлари билан гаров боғлашиб, агар улар пулини тўлаш, бир ўтиришда 15 килограмм бананин пажос тушираман, деган эди. Пруденсио бир ўтиришда ҳақиқатан салкам бир пуд бананин уриб қўйди.

Овқат вақтида иштаҳаси қарнай бўлиб кетиб, олдин егани оз кўрибди. Кечқурун тўрта та-вур, бир килограмм ёғ, тўрт килограмм нон, беш килограмм чўчка

гўшти ва сосиска, беш бўлак шоколад, ўч кутин печенье ҳам еб қўйди. Шу овқатларни танавул қилаётганида саккиз литр пиво ва икки литр винони ҳам ичиб юборди. Шунча нарсани пажос еб бўлган, баҳоли қудрат деб қўшимча тагин битта банан билан бир пилё кофе сўради.

СОЛИҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. 1 июндан бошлаб Нью-Йорк штатида хараид қилинган буюмлар учун тўланадиган солиқ оширилди. Шу вақтгача буюм нархининг 6 проценти миқдорда солиқ тўлаиб келинган бўлса, энди Нью-Йоркнинг 7 проценти солиқ тўлашга мажбур бўладилар.

Шаҳар маъмурули молиявий кризисин бартараф қилишга уриниб, солиқларни қўйатириш ва социал эҳтиёжларга қилинган чиқимларни қаматириш йўлини тутмоқдалар.

Чунончи, Нью-Йорк йилдаги бюджетни маътаблар, касалхоналар, коммунал муассасаларни пул билан таъминлашга қилинган харажатларни қисқартириш йўлида тузган, бу эса шаҳардаги 175 минг хизматчида салкам 10 минг кишини ишдан бўшатилишига олиб келди. Ишчиларга бериладиган нафақа яна қисқартирилди.

АҚШ экономикаси умуман мушкул аҳволга тушиб қолганини, АҚШнинг Хинди-Хитойдаги агрессияси сабабли инфляциянинг тўхтовсиз бўлиб бораётганини бу кунинг асосий сабабларидир. (ТАСС).

Редактор М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Мультифильм. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Футбол: «КАВРАТ» (Олма-ота) — «НЕФТЧИ» (Бокун). 21.15 — Танишнинг, «Гулёр» вокал квартети. 21.45 — Сирдарё — варблор қурилиш. 22.05 — Ўзбекистон XV спартакиадасининг қурилиши. 22.30 — Спектакль.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 — ТОШКЕНТ. Мультифильм. 18.20 — Чун ва Гек (бадний фильм). 19.00 — МОСКВА. 19.45 — Хўнажати фильм. 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — Телеманияторалар театри.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
20.00 — ТОШКЕНТ. 20.45 — Хит-парадлар. 21.00 — 21.05 — Хўнажати фильм. 21.05 — Янгиликлар. 21.15 — Телеманияторалар театри.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 4/VI да Дон Карлос, 5/VI да Риголетто.

ХАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/VI да Анжонларим, 4/VI да Мирзо Улуғбек (спектакллар неч соат 8 да бошланади).

МУҚИМНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/VI да Паранин сирлари, 4/VI да Қайнона, 5/VI да Севинганлар хибони.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Катта саяр (2 серия) — «САН-АТ САРОВИ». «СПУТНИК». «МОСКВА». «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4 ва неч 9 да). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва неч 8 да).

Том Жонс (2 серия) — «ЧАП-КА» (кундуз соат 11, 1.30 ва неч 6.50 минутда). «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (неч соат 9.45 минутда).

Спорт, спорт, спорт — «ЎЗБЕК КИНО 25 ЙИЛЛИГИ». «КУКЧА» (тоқ соатларда).

Ҳаётин беҳуда ўтказганлар — «ЎЗБЕК КИНО» (кундуз ва неч кундуз).

Саргузашт изловчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Бу тельба дунё... — НАВОИЙ номи (кундуз ва неч кундуз).

Еңимтой жаноб «Р» — «ВОС-ТОК» (жўфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Катта саяр (2 серия) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мангулик элчилари — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ АВТОМОБИЛЬ ВА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЗЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ (К. Маркс кўчаси, 32 уй) 19 ИЮНЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА ФАКУЛЬТЕТИНИ БИТИРГАНЛАР БИЛАН БИРИНЧИ МАРТА ТАНТАНАЛИ УЧРАШУВ КЕЧАСИ ЎТКАЗАДИ

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 йилнинг иккинчи ярми йиллиги:

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА», «ХАҚИҚАТИ ЎЗБЕКISTON», «ЛЕНИН БАЙРОГИ», «ЎЗБЕКISTON МАДАНИЯТИ», «ЎШ УЧЛИНИЧЛАР ГАЗЕТАСИ», «ЕШ ЛЕНИНЧИ», «КОМСОМОЛЕЦ ЎЗБЕКISTON».

«ЛЕНИН УЧКУНИ», «ПИОНЕР ВОСТОКА», «ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ», «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА», «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ».

ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриети.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективни филология фанлари доктори П. Шамсиева қиз

Субхия ШАМСИЕВНИНГ бевафот вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиодиффузия Давлат Комитети коллективни уйғур алсамбининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. Шерофатга оғина

Норпошша ПОЧКАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 33654, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Маъсул секретарь — 334455, Маъсул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия гурмуши — 333469, 337221. Марксист-ленинизм назарисини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334786, Совет қурилиши — 333258. Кишлоқ қўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мағтаб ва олий ўқув юртилари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва халқлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенография — 337343. Корректур — 337162, Эълонлар — 333142. Коммутиатор — 330240, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБАРЛАРИ, Андижон — 48-85, Вухоро — 38-42, Қарши — 38-42, Нутуе — 42-62, Самарқанд — 31-672. Термин — 54-01, Урганч — 34-55, Фарғона — 4-29-44, Гулистон — 22-09.